

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2023 йил октябрь ойининг 5 куни, Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг биносида, апелляция инстанциясининг очиқ суд мажлисида, видеоконференцалоқа режимида вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судьяси Н.Абдуллаевнинг раислигида, ҳайъат судьялари Ф.Қамбарова ва Б.Турдиевлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси И.Ёшбоевнинг котиблигида, тарафлардан Қашқадарё вилоят прокуратурасининг бўлим прокурорлари Х.Тошназаров, Н.Исмоилов ва С.Назаров, судланувчи **** ва унинг ҳимоячи-адвокати С.Таджибаева ва ҳимоячи-вакил Р.Зиядованинг иштирокида, судланувчи ****нинг ҳимоячиси-адвокат О.Рахимовнинг суд ҳукми устидан берган апелляция шикоятини 1-1801-2303/126-сонли жиноят иши ҳужжатлари билан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2023 йил 4 майдаги ҳукмига асосан:

****, 1986 йил 28 ноябрда Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 5 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, эҳтиёт чораси 2023 йил 13 январдан қамоқда,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жазони умумий тартибли колонияларда ўтатириш белгиланган.

Судланувчилар **** ва ****лардан солидар тартибда 602.159.684 сўм “Агробанк” АТБ Қашқадарё вилоят бошқармаси ҳудудий филиали фойдасига ундириш белгиланган.

Мазкур иш бўйича **** ҳам судланган бўлиб, ҳукмнинг унга оид қисми бўйича шикоят келтирилмаганлиги ёки протест билдирилмаганлиги сабабли муҳокама қилинмайди.

Суднинг ҳукмига кўра, **** ва ****лар бир гуруҳ бўлиб, олдиндан тил бириктириб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.08.2011 йилдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4354-сонли Фармони талаблари асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш мақсадида тадбиркорларга берилган имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланмасдан, АТБ “Агробанк” Қашқадарё вилоят ҳудудий филиали ва



ЯТТ Бозоров Шаҳзод Музаффар ўғли ўртасида “Ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ускуналари сотиб олиш” ниқоби остида 3 йил муддатга, 26 фоиз устама тўлаш шарти билан 720.000.000 сўм кредит маблағи ажратиш бўйича 19.02.2020 йилда 46-сонли кредит шартномаси тузиб, ажратилган кредит маблағини 08.02.2020 йилда тузилган 10-сонли шартномага асосан таъминотчи “Nasaf hamkor hamjihat” хусусий корхонасига ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ускуналари сотиб олиш учун ўтказилишига эришиб, кредит маблағларини ўзлаштириш мақсадида “Nasaf hamkor hamjihat” хусусий корхонасидан шартномага асосан етказиб берилган 720.000.000 сўмлик ёғ ишлаб чиқариш ускуналарини терговда аниқлаш имкони бўлмаган шахсларга сотиб юборишиб, ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани, ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганлар.

Судланувчи ****нинг ҳимоячиси-адвокат О.Рахимов шикоятда, биринчи инстанция суди ****га нисбатан айблов ҳукми чиқариб хатоликка йўл қўйганлиги, иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш, асосли, адолатли ҳамда қонуний ҳукм чиқариш учун ишни қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш учун қайтаришни сўраган.

Апелляция инстанцияси суди, иш бўйича судья Б.Турдиевнинг маърузасини, судланувчи **** ва унинг ҳимоячи-адвокати С.Таджибаеванинг шикоятни қаноатлантириб, ****га нисбатан оқлов ҳукми чиқариш, прокурор С.Назаровнинг шикоятни рад қилиб, суд ҳукми ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги музокара сўзларини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари асосида таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Судланувчи **** апелляция инстанцияси судида, шикоятни қувватлашини, унга нисбатан 2 хил айблов қўйилганлигини, тергов органи уни пулларни нақдлаштирди деб унга нисбатан жиноий иш очганлигини, таъминотчи томонидан нақдлаштирилмаганлиги бўйича аниқлик киритилгандан сўнг терговчи ва судья Ш.Нурматов томонидан ёғ ишлаб чиқариш ускунаси олиб келиб номаълум шахсга сотиб юборилиб, **** ва Абдурахмановлар томонидан талон-торож қилинган деб айблов қўйилганлигини, аксинча у **** билан бир неча йиллар бирга ишлаган Жамол исмли шахсдан ускуналарни қаердалигини сўраганида, унга ускуналарни бир қанча вақт уйида ишлатиб, кейин бошқа жойга кўчириб кетишганлиги ҳақида айтганлигини, сабаби ****нинг қўшнилари ҳар-хил ҳидлар чиқаётганлиги сабабли норозилик билдиришганлигини, кейин **** Чармгар маҳалласида яшовчи Бахтиёр исмли шахсдан 2020 йил май ойида Арабхона МФЙ ҳудудидан “фундаменти” чала қурилган 6 сотихдан иборат ерни сотиб олиб, ёз ойларида тезда кўриб битириб, ускуналарни кўчириб борганлиги ҳақида маълумот берганлигини, у Жамол айтган жойни қидириб борганида у жойни ва ускуналарни ****дан Арабхона МФЙда яшовчи бир шахс сотиб олганлигини маълум қилганлигини, ичкарасига кириб кўрганида эса ****дан сотиб олинган ускуналар, ёғ сақлаш учун



идишлар, ёғ қадоқлаш учун бакалашкалар ва уни эътиборини тортган нарса “Шохона” бренди остида этикетка бўлганлигини, унга ****нинг телефон рақами ва манзили кўрсатилганлигини, шу ҳодисаларни ҳарбирини телефонига видеога олиб, ўша этикеткадан ҳам 2 тасини сўраб олиб терговчи Б.Бозоровга дискга кўчириб тақдим қилган бўлсада, терговчи унга нисбатан ноҳақлик қилиб, унга қарши ёлғон кўрсатмаларни инобатга олиб, унга қамоқ эҳтиёт чорасини қўллаганлигини, “Насаф ҳамкор ҳамжиҳат” хусусий корхонаси раҳбари **** ёғ ишлаб чиқариш ускунасини берганлигини тасдиқлашини, тергов ва судда унинг айби исботланмаганлигини, сабаби нақдлаштириш деб қўйилган айблов бўйича таъминотчи судда ҳам терговда ҳам **** 720 млн. сўм кредит эвазига ёғ ишлаб чиқариш ускунасини олган деб кўрсатма берганлигини, **** хонадонидан ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш билан шуғулланганлигини, ****нинг иш фаолиятини кенгайтиришини, кредит олмоқчилигини айтиб, кредит олишга ёрдам сўраганида ёрдам қилиш мақсадида, **** билан бирга бир неча марта “Агробанк” АТБ Қашқадарё вилояти ҳудудий филиалига бориб, банк ходимлари билан, ****ни учраштириб қўйганлигини, банк томонидан гаров тариқасида молк-мулк қўйилиши лозимлигини айтишганида, **** томонидан қўйилган “TRACKER” русумли автомашина олинадиган кредит маблағига етмаганлиги сабабли таниши ****дан савдо дўконини гаровга қўйишни илтимос қилганлигини ва унинг савдо дўконини кредит олиш учун гаровга қўйишганлигини, “Агробанк” АТБ Қашқадарё вилоят бошқармаси ҳудудий филиали томонидан ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш учун ускуналар олиш мақсадида, ****нинг номига 720.000.000 сўм кредит маблағлари ажратилганлигини кейинчалик эшитганлигини, **** унга пулларни олгани ҳақида тухмат қилаётганлигини, кредит ҳужжатларига ****нинг ўзи имзо қўйганлигини ва пулларни ўзи олганлигини, Ф.Джабборов орқали ****га 300.000.000 сўм бериб юбормаганлигини, кредит суммасидан 420.000.000 сўм олмаганлигини, айбсизлигини, **** билан тил бириктирмаганлигини, биринчи инстанция суди тергов ва судда айби исботланмаса ҳам унга нисбатан айблов ҳукми чиқарганлигини, жиноят содир этмаганлигини сабабли ЖПКнинг 83-моддаси 2,3-бандларига асосан реабилитация этиш билан оқлов ҳукми чиқаришни сўради.

Ушбу иш бўйича судланган **** апелляция инстанцияси судида, шикоятга қўшилмаслигини, **** маҳалладоши бўлишини, **** билан биргаликда кредит олишни таклиф қилганлиги сабабли унинг таклифига рози бўлгач, у билан бирга кредит олиш учун АТБ “Агробанк” Қашқадарё вилоят ҳудудий филиалига борганлигини, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ускуналари сотиб олиш учун, 720.000.000 сўмлик кредит олиш мақсадида ҳужжатларни барчасини Б.Абрурахмонов тайёрлаганлигини, ўзи фақат у томонидан тайёрланган ҳужжатларга имзо қўйиб берганлигини, ****нинг айтгани бўйича ўзининг ҳисоб рақамини бошқа банкдан “Агробанк” АТБ Қашқадарё вилоят бошқармаси ҳудудий филиалига кўчирганлигини, гаров тариқасида ўзининг “TRACKER” русумли автомашинасини қўйганлигини,



**** таниши ****нинг савдо дўконини гаровга қўйганлигини, барча ҳужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг “Агробанк” АТБ Қашқадарё вилоят бошқармаси ҳудудий филиали томонидан, 19.02.2020 йилда ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ускуналар олиш учун номидаги ЯТТ ****га 3 йил 6 ой муддатга йиллик 26 фоизда 720 млн. сўм кредит маблағлари ажратилганлигини, маҳалладоши Ф.Джабборов унга 300.000.000 сўмни **** бериб юборди деб берганлигини, қолган 420.000.000 сўмни ****дан сўраганида, **** пулларни фоизга кўпайтириш учун берганлигини айтганлигини, бир неча маротаба, 420.000.000 сўмни қайтариб беришини сўраган бўлса-да, **** пулларни қайтармасдан ўзининг эҳтиёжи учун ишлатиб юборганлигини, 720.000.000 сўм кредит маблағини, **** билан бирга олишганлигини, 420.000.000 сўмни **** олганлигини, лекин ҳозирги кунда олган пулларини тан олмаётганлигини, 2020 йил сентябрь ойида отаси касал бўлиб қолганлиги сабабли қўшниси ****дан, 10.000 АҚШ доллари қарз олиб, 120.000.000 сўм олганлиги тўғрисида тилхат ёзиб берганлигини, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ускуналари сотиб олинмаганлигини, яшаш уйига ҳеч ким ускуналар олиб келмаганлигини, унинг уйида бўлган ускуналар оддий тракторнинг дискаларидан ясалганлигини, алданганлигини 1 ойдан сўнг банк ходими ****га бориб айтганлигини, 300.000.000 сўмдан зиёд пул олмаганлигини, **** билан бирга юрганлигини, қаерга печат қўй деган бўлса печат қўйиб берганлигини, шартнома ва станокни кўрмаганлигини, ускунани пули кимга ўтганлигини билмаслигини, 300.000.000 сўмни 20.000.000 сўмига оддий тракторнинг дискасидан ясалган аппарат сотиб олганлигини, қолган 280.000.000 сўмини уйига ишлатганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилада ягона боқувчилигини, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи **** апелляция инстанцияси судида, ****ни ёшлигидан танишини, қўшниси бўлишини, ****га нисбатан шахсий адовати йўқлигини, 2020 йил сентябрь ойида **** уй олиб беришини айтиб 120.000.000 сўм олганлигини, **** 120.000.000 сўм олганлиги тўғрисида тилхат ёзиб берганлигини, уй олиб беролмаса ўзи яшаб турган уйни номига ўтказиб беришни айтганлигини, **** уй олиб бермасдан алдаб кетганлигини, ёғ ишлаб чиқариш ускунасини биттасини сотса, пулини қайтариб беришни айтганлигини, **** отасини Россия Федерациясига даволатиш учун олиб кетганлигини, ****нинг уйига ёғ ишлаб чиқарадиган аппаратларни кўрганлигини, аппаратлар янги ёки эски эканлигини билмаслигини, аппаратларни кўрганида қаердан олганлигини сўрамаганлигини, аппаратлар ишлаш ёки ишламаслигини билмаганлигини, ****нинг уйини ичкарасигача кирмаганлигини, кредит олганлигидан хабари йўқлигини, кредит олганлигини судда билганлигини, 10.000та оилага товуқ тарқатганлигини эшитганлигини, кўчага светлар қўйдирганлигини ҳам билишини, ****нинг қариндоши Абдирахим бугунги кунда етказилган



зарардан 27.000.000 сўмини қоплаб берганлигини, 97.000.000 сўм зарар тўланмасдан қолганлигини баён қилди.

Гувоҳ **** апелляция инстанцияси судида, у “Насаф ҳамкор ҳамжамият” хусусий корхонаси раҳбари бўлганлигини, судланувчилар **** ва ****ларни танимаслигини, улар билан мулоқотда бўлмаганлигини, у ўзининг “Насаф ҳамкор ҳамжамият” хусусий корхонаси билан **** ва ****лар билан олди-берди қилмаганлигини, **** ва ****лардан унинг “Насаф ҳамкор ҳамжамият” хусусий корхонасига пул келиб тушмаганлигини, “Насаф ҳамкор ҳамжамият” хусусий корхонаси ташкил этилгандан сўнг у хусусий корхонани сотиб олганлигини, илгариги фирмани раҳбарини исмини эслолмаслигини, “Насаф ҳамкор ҳамжамият” хусусий корхонасини 2020 йил сотиб олганлигини, Агробанкдан “Насаф ҳамкор ҳамжамият” хусусий корхонасига ускуна сотиб олиш учун пул тушмаганлигини, “Насаф ҳамкор ҳамжамият” хусусий корхонасини қурилиш қилиш учун сотиб олганлигини, фирмани Ф.Жабборов орқали олганлигини, фирма аслида ****га тегишли бўлганлигини, Мансуров Шахобиддинни 2021 йил апрель ойларида акфа савдо магазинини эшикларини ремонт қилдириш учун 1 марта кўрганлигини, фирмани сотиб олгунича **** билан юзма-юз бўлмаганлигини, фирмани кирим-чиқимларини кўрганлигини, фирмани олган вақтида дебитор-кредитор қарздорлиги бўлмаганлигини, фирмани олган вақтдан бўёғига ўзи жавоб беришини, олдинги даврига **** жавоб беришини, фирмани сотиб олган вақтида ҳам фирмани номи ўзгармаганлигини, фақат раҳбари ўзгарганлигини, таъсисчилар вос кечганлигини, ҳозир таъсисчилар кимлигини эслолмаслигини, фирмани сотиб олишни бухгалтери айтганлигини, Ф.Жабборов билан олдиндан таниш эмаслигини, Ф.Жабборов унга ****нинг ёғ ишлаб чиқаришини айтмаганлигини, фирма ундан олдин “СМУГАИ” билан шуғулланганлигини, у фирмани қурилиш қилиш учун сотиб олганлигини, бухгалтери Тошкент шаҳрида яшашлигини, бухгалтери ҳозирда ишдан бўшаб кетганлигини, бухгалтери буйруқ билан ишламаганлигини, фақат бухгалтериясини юритганлигини баён қилди.

Гувоҳ **** апелляция инстанцияси судида, АТБ “Агробанк” ички аудит департаменти катта аудитори вазифасида ишлашини, АТБ Агробанк Қашқадарё вилоят ҳудудий филиали бошлиғи Б.Раимовнинг номига ЯТТ **** 720 млн. сўм кредит маблағлари олиш ҳақидаги ариза мавжудлигини, реестрда 720.000.000 сўм кредитни қайтариш бўйича ЯТТ ****дан ундириш белгиланганлигини, гаров тариқасида ўзининг “TRACKER” русумли автомашинасини қўйганлигини, кредит график бўйича берилганлигини, кредит маблағлари ўз вақтида тўланмаганлиги сабабли гаров тариқасида қўйилган “TRACKER” русумли автомашинаси 117.840.316 сўмга сотилиб сумма кредит фоизига йўналтирилганлигини баён қилди.

Гувоҳ Э.Бозоров апелляция инстанцияси судида, Қашқадарё вилояти ИИБ Қарши шаҳар ИИО ФМБ эксперт-криминалистка бўлими давлат суд эксперти вазифасида ишлашини, 2022 йил 17 январь куни Қарши шаҳар прокуратурасини қарорига асосан судга оид хатшунослик экспертизаси ўтказганлигини, “Насаф ҳамкор ҳамжамият” хусусий корхонаси билан ЯТТ



“****” ўртасида 2020 йил 8 февраль куни тузилган 10-сонли олди-сотди шартномаси ва 2020 йил 29 февраль куни тузилган 7-сонли ҳисоб-варақаси ва **** ҳамда ****нинг ва Мансуров Шарофиддин Содиқовичнинг экспериментал имзо ва ёзув намуналари тақдим қилинганлигини, “Насаф ҳамкор ҳамжамият” хусусий корхонаси билан ЯТТ “****” ўртасида 2020 йил 8 февраль куни тузилган 10-сонли олди-сотди шартномасидаги имзо ****, **** томонидан бажарилмаганлигини, 2020 йил 29 февраль куни тузилган 7-сонли ҳисоб-варақадаги **** номидан бажарилган имзода ноаниқ чизиқлар ва муайян хусусий белгилар етарли миқдорда аниқланмаганлиги боис идентификация қилишнинг имкони бўлмаганлигини, 2020 йил 29 февраль куни тузилган 7-сонли ҳисоб-варақадаги **** номидан бажарилган имзо идентификация қилиш учун яроқсиз ҳисобланишини, ҳар битта ҳолатга индивидуал баҳо берилиши кераклигини, имзо чатилмаганда ўзи хулоса бериш имкони бўлганлигини баён қилди.

Гувоҳ **** апелляция инстанция судида, АТБ “Агробанк” Қашқадарё вилоят бошқармаси ҳудудий филиалида 2018 йилдан 2021 йил май ойига қадар ишланганлигини, АТБ “Агробанк” Қашқадарё вилоят бошқармаси ҳудудий филиалига Бозоров Шахзод Абдурахманов Бекзод билан биргаликда ёғ ускуналарини харид қилиш учун ариза билан мурожаат қилганлигини, мазкур кредит ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнида **** ва **** қатнашганлигини, комиссия аъзолари кредит маблағлари ажратиш тўғрисида кредит комиссиясининг ижобий қарори қабул қилинганлигини, ЯТТ “****”га АТБ “Агробанк” Қашқадарё вилоят бошқармаси ҳудудий филиали 2020 йил 19 февраль куни ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш учун ажратилган 720.000.000 сўм кредит маблағларини “Насаф ҳамкор ҳамжамият” хусусий корхонаси ҳисоб рақамига ўтказиб бериш учун тўлов топшириқномасини тақдим этгандан сўнг пул маблағлари ўтказиб берилганлигини, **** билан биргаликда **** келганлигини, ҳужжатларга имзо қўйиш жараёнида **** иштирок этганлигини, иккаласини муаммосини у ҳал қилолмаслиги учун раҳбарига олиб кирганлигини баён қилди.

Гувоҳ **** апелляция инстанция судида, “Асл варонож” МЧЖ иш бошқарувчиси бўлиб ишлашини, судланувчи ****ни танишини, ****дан бино сотиб олганлигини, унинг ёғ ишлаб чиқаришга рухсатномаси борлигини, ёғ ишлаб чиқарадиган ускуналарни Самарқанд вилоятидан сотиб олганлигини, 2та ёғ ускунасини ўзи ясатганлигини, ускуналарни ҳужжатлари йўқлигини, уйда эски станоклари борлигини, янги ишлаб чиқарилган станоклари йўқлигини, ****дан бинони ва станокларни сотиб олган вақтида, 1 ёки 2тасини металлومга сотганлигини, ёғни филтр қиладиган ускунаси ҳам борлигини, унинг ҳам ҳужжати йўқлигини, ишлаб чиқарадиган маҳсулотига адреси ёзилмаганлигини, чунки ҳали маҳсулот ишлаб чиқармаганлигини, ускуналарни синовдан ўтказиб кўрганлигини, ускуналарни 2021 йилда ясатганлигини, шу билан ҳали ишлатмаганлигини баён қилди.

Гувоҳ **** биринчи инстанция судида, 2019 йил апрель ойидан 2020 йил 28 май кунига қадар “Агробанк” АТБ Қашқадарё вилоят бошқармаси ҳудудий филиали бошқарувчиси лавозимида ишлаганлигини, ****ни



банкнинг доимий мижози сифатида танишини, унинг олдида **** ** билан келиб, **** ёғ ишлаб чиқариш ускуналарини харид қилиш учун кредит олмоқчилигини айтганлигини, унга тегишли ҳужжатларни тайёрлаб банк ходимида тақдим этишини тушунтирганлигини, **** томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгач “Агробанк” АТБ Қашқадарё вилоят бошқармаси ҳудудий филиали томонидан 19.02.2020 йилда ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш учун асбоб ускуналар олиш мақсадида, 720.млн. сўм кредит маблағлари ажратилганлигини баён қилган.

Гувоҳ **** биринчи инстанция судида, судланувчилар **** ва ****лар билан бир маҳаллада яшашини, 2020 йил февраль ойи охирида ****, ****нинг уйига борганида унинг уйида йўқлигини айтиб қора пакетда скочланган пулларни ****га бериб қўйишни илтимос қилиб, пакети билан бериб кетганлигини, орадан 2 соат ўтгач қўшниси **** келиб, қора пакетдаги пулларни олиб кетганлигини, пакетда қанча пул бўлганлигини билмаслигини, тергов давомида **** ва ****лар биргаликда кредит олганлигини эшитганлигини баён қилган.

Гувоҳ **** биринчи инстанция судида, ****ни танишини, 2020 йил февраль ойида, **** ёнига **** билан бирга келиб, унга кредит олишига ёрдам қилишни сўраб, савдо дўконини гаровга қўйиб беришни илтимос қилганлигини, ****нинг айтгани бўйича ўзига тегишли Қарши шаҳар Захокимарон МФЙ И.Каримов кўчаси “NAQSHAB DARVOZASI” деҳқон бозори атрофида жойлашган савдо дўконини гаровга қўйганлигини, “Агробанк” АТБ Қашқадарё вилоят бошқармаси ҳудудий филиали томонидан ажратилган 720.000.000 сўм кредит маблағларини ким олганлигини билмаслигини, у фақат гаров шартномасига қўл қўйганлигини баён қилган.

Гувоҳ **** биринчи инстанция судида, 2020 йилнинг бошида **** ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ускуналари сотиб олиш учун кредит олмоқчилигини шу сабабли ускуналарни олишга ёрдам сўраганлигини, Самарқанд шаҳридаги фирмдан ускуналарни топганлигини, 2020 йил февраль ойида кредит суммаси чиққанидан сўнг тегишли шартнома тузилиб, **** ускуналар яшаш уйига келиб тушганини айтганидан сўнг ҳисоб-фактура ёзиб берганлигини, ускуналарни ўзи кўрмаганлигини баён қилган.

Апелляция инстанцияси суди судланувчи ****нинг ҳимоячиси-адвокат О.Рахимовнинг шикоятдаги ва судланувчи ****нинг кўрсатувларидаги важлар билан келишмади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги Қарорининг 5-бандида, шахсан ўзганинг мулкани талон-торож қилишда (ЖК 167-моддаси) айбдор деб топиш учун бу мулк айбдор томонидан ўз фойдасига ёки бошқа шахслар фойдасига қаратилганлигини тасдиқловчи аниқ фактларга асосланмоғи зарурлиги ҳақида тушунтириш берилган.



Объектив томондан жиноят айбдорга ишониб топширилган товар моддий бойликларни олиб кўйиш ёки унинг устидан ноқонуний эгаликни ўрнатиб, ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўз фойдасига олиш ёхуд ўзгалар тасарруфига ўтказиш шаклидаги фаол ҳаракатларида ифодаланади.

**** шериги **** билан бир гуруҳ бўлиб, олдиндан тил бириктириб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.08.2011 йилдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 4354-сонли Фармони талаблари асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш мақсадида тадбиркорларга берилган имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланмасдан, АТБ “Агробанк” Қашқадарё вилоят ҳудудий филиали ва ЯТТ Бозоров Шаҳзод Музаффар ўғли ўртасида “Ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ускуналари сотиб олиш” ниқоби остида 3 йил муддатга, 26 фоиз устама тўлаш шарти билан 720.000.000 сўм кредит маблағи ажратиш бўйича 19.02.2020 йилда 46-сонли кредит шартномаси тузиб, ажратилган кредит маблағини 08.02.2020 йилда тузилган 10-сонли шартномага асосан таъминотчи “Nasaf hamkor hamjihat” хусусий корхонасига ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ускуналари сотиб олиш учун ўтказилишига эришиб, кредит маблағларини ўзлаштириш мақсадида “Nasaf hamkor hamjihat” хусусий корхонасидан шартномага асосан етказиб берилган 720.000.000 сўмлик ёғ ишлаб чиқариш ускуналарини терговда аниқлаш имкони бўлмаган шахсларга сотиб юборишиб, талон-торож қилишган.

Гарчи **** айбига иқрорлик билдирмаган бўлса-да, унинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганлиги шу иш бўйича судланган **** ва гувоҳларнинг биринчи ва апелляция инстанция судларида берган кўрсатувларидан ташқари, **** ва ****ларга нисбатан жиноят ишини кўзғатиш, терговга тегишлилиги бўйича юбориш ҳақидаги қарор, “Агробанк” АТБ ходимларининг ****га ажратилган кредитнинг мақсадли сарфланишини ўрганиш бўйича тузган далолатномалари, юзлаштириш баённомалари каби объектив далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Шунингдек, АТБ “Агробанк” Қашқадарё вилоят ҳудудий филиали томонидан ажратилган 720.000.000 сўм кредит маблағи ЯТТ “Бозоров Шаҳзод Музаффар ўғли”га “Ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ускуналари сотиб олиш” учун ажратилиб, **** масъул бўлса-да, судланувчи ****нинг ушбу кредит маблағларини ажратилишидан бошлаб, уни қўлга киритиш ва талон-торож қилиш жараёнига қадар тўлиқ иштирок этганлиги, ишдаги ҳужжатлар судланувчи **** ва иш бўйича сўроқ қилинган гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тўлиқ тасдиқланган.

Биринчи инстанция суди томонидан ****нинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд



амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги Қарорнинг 3-бандида, ўзганинг мулкни талон-торож қилиш мулкка тажовуз қилишнинг энг хавфлиси ҳисобланиши, 29-бандида, судлар, жазо тайинлашга индивидуал ёндашиш тамойилларига риоя қилган ҳолда товламачиларга, ўзганинг мулкни талон-торож қилувчиларга, солиқ тўлашдан ашаддий бўйин товловчиларга, ўзларининг ҳаракатлари билан давлат ва жамоат манфаатларига ёки фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зиён етказган мансабдор шахсларга, жиноий гуруҳларнинг ташкилотчилари ва фаол иштирокчиларига нисбатан қаттиқ жазоларнинг қўлланилишини таъминлашга мажбур эканлиги, давлатга ва фуқароларга етказилган зарарни тўлиқ ундиришга эришиш лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Апелляция инстанцияси суди, биринчи инстанция суди томонидан судланган ****га жазо тайинлашда, қилмишнинг сабабини, ишдаги барча енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, етказилган зарар қопланмаганлигини инобатга олиб, Жиноят кодексининг қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорида берилган тушунтиришларига риоя қилиб, қонун санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб қонуний, асосли ва адолатли қарорга келган деб ҳисоблади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида, фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланиши белгиланган.

Ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш иқтисодиёт соҳасига катта зарар келтирувчи жиноят ҳисобланади ва жамият учун жиддий ижтимоий хавф туғдиради.

Шунингдек, амалдаги қонунларда жамиятда мулк ҳуқуқини эъзозлаш вазияти вужудга келтирилиши лозимлиги, унга нисбатан ҳар қандай тажовузларнинг содир этилиши муқаррар жавобгарликка ва жазога тортилиши кераклиги таъкидланган.

Бундай ҳолда судланувчи ****нинг шикоятдаги ва кўрсатувларидаги важларини асосли деб бўлмайди.

Ишда суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун бирор-бир асослар мавжуд эмас.

Қайд этилганларга кўра, апелляция инстанцияси суди, шикоятдаги важларни рад қилиб, суд ҳукми ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантirmасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497²⁶ ва 497³¹-моддаларига асосан апелляция инстанцияси суди



А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2023 йил 4 майдаги ҳукмининг ****га оид қисми ўзгаришсиз, апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Суд қарорлари устидан тарафлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят бериши, прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

Н.Абдуллаев

Ҳайъат судьялари

Ф.Қамбарова

Б.Турдиев

Ажрим нусхаси аслига тўғри, судья

Б.Турдиев

